


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ  
ИНГЛИЗ ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ**

**Носирова Р.А.**

**ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ МЕВА ВА САБЗАВОТ НОМЛАРИНИНГ  
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ ЛУҒАТЛАРИДА ИШЛАТИЛИШINI,  
СЕМАНТИКАСИ**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Битирув малакавий иш “Инглиз тили  
ўқитиш методикаси ва амалиёти”  
кафедраси мажлисида муҳокама  
қилинди ва ҳимояга тавсия этилди.  
Баённома № “” 2012



Кафедра мудири:

ф.ф.н. Ш.С. Ашуров

**САМАРҚАНД - 2013**

## Мундарижа

**Кириш**\_\_\_\_\_ 2 б.

### Асосий қисм

#### **Боб I. Фразеология ҳақида тушунча**

1.1. Фразеология фани, фразеологик бирликлар, уларнинг турғунлиги ва тузилиши\_\_\_\_\_ 6 б.

1.2. Фразеологик бирлик ва сўзнинг маъно жиҳатидан фарқи ва ўхшашлиги\_\_\_\_\_ 10 б.

1.3. Фразеологик бирлик ва матн\_\_\_\_\_ 18б.

#### **Боб II. Қиёсий фразеологиянинг умумий тушунчалари .**

2.1. Фразеологияда қиёслаш\_\_\_\_\_ 21 б.

2.2.Фразеологик бирликларни қиёслаш\_\_\_\_\_ 23 б.

#### **Боб III. Мева ва сабзавот номлари билан қўлланиладиган фразеологик бирликлар ва уларнинг ўзбек тилига талқини**

3.1. Инглиз тилида мева-сабзавот номлари билан қўлланилган фразеологик бирликларнинг умумий талқини\_\_\_\_\_ 28 б.

3.2. Мева-сабзавот номлари қўлланилган фразеологик бирликларнинг бадиий адабиётда ишлатилиши ва уларнинг ўзбек тилига таржимаси\_\_\_\_\_ 35 б.

**Хулоса**\_\_\_\_\_ 44 б.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**\_\_\_\_\_ 47 б.

## Кириш.

Тил дунёда, ҳаётда ва жамиятда содир бўладиган ҳамма ўзгаришларни намоён қилувчи ҳодиса ҳисобланади ва бу ўзгаришлар тилининг ҳар хил қатламларига бириктирилади. Тилда халқнинг дунёқараши ва дунёвий тушунчаси яққол кўринади. Тил фақатгина ҳаётини намоёни қилмасдан, яна авлоддан-авлодга миллий ва маданий урф-одатларни олиб ўтади. Тил ва маданият бир-бирдан ажралмас тушунчалардир. Тил маданиятнинг бир қисми бўлиб, унинг ривожланиши ва сақланишида юқори поғонани эгаллайди. Тил бирликлари, айниқса унинг лексик-фразеологик даражасидаги бирликлар “халқ маданияти ойнаси” деб тан олинган. (Толстой,1991)

XX асрнинг 60 – йилларидан бошлаб тилшуносликнинг мустақил бўлими бўлиб шакллана бошлаган фразеология фани ҳозирги пайтда ҳам жуда кўп муҳим муаммоларни ҳал қилиши лозимдир. Бу муаммоларни ўрганиш фразеология фани объектининг ва фразеологик бирликларнинг ҳамма қирраларини тўлиқ ёки қисман очишга ёрдам беради.

Фразеологияда оғзаки нутқнинг кўп қирралари: маданий анъаналар, афсона ва халқ оғзаки ижодиёти, диний ҳикоя ва афсоналар, тарихий ҳодисалар (Л.И. Ройзензон 1974, с.84; А.М.Бушуй 1977, с. 168 - 169) дан ташқари “прагматик элементлар”, яъни ҳиссий ва эмоционал реакцияларнинг мураккаб кўринишлари, суҳбатдошга нутқ орқали таъсир қилиш ҳолатлари, ҳақиқатнинг экспрессив ва образли қирралари лингвистик ҳодиса туфайли ўз ўрнини топган. [10,213]

Фразеология тилшуносликнинг бир бўлими ҳисобланади. Фразеологияда фразеологик бирликлар, фразеологик бирикмалар, тушунчалар ва иборалар ўрганилади. Мен бу битирув малакавий ишимда мева ва сабзавот номлари билан қўлланиладиган фразеологик бирликлар устида иш олиб бордим. Қуйидаги мавзунинг **долзарблиги**

шундаки, у асосан кенг кўламда оғзаки нутқда ишлатилади. Шу ерда унинг инглиз тилида ўрганилиш маъноси ҳам келиб чиқади. Бу бирликларнинг мазмунини ва семантик маъносини ўрганиш учун уни асосан оғзаки нутқ лексикаси билан чамбарчас боғлаш лозим.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримовнинг «Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» ги фармони [1,1-2], Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги номли қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистонда илм-фанни, шу жумладан, тилшуносликда ҳам ривожлантиришда муҳим рол ўйнамоқда.

Бу борада республикаимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, бугун жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун, чет эллик шерикларимиз билан ҳамжихатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини бунёд этаётган халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир [2,305-327].

Фразеология фани тилшуносликнинг бошқа қисмларига нисбатан анча кеч фан сифатида ажралиб чиққанлигини биз бир неча маротаба айтиб ўтганмиз. Лекин алоҳида фан сифатида унинг **ўрганилганлик даражасини** анча илғор деб атасак ҳам бўлади. Чунки бу фан жуда кўп олимлар томонидан ўрганилган ва ҳалигача ўрганилиб келинмоқда.

Тадқиқотимизнинг **илмий янгилиги** шундаки, биз фразеологик бирликлар семантикаси, матнда ишлатилиш формаси ва инглиз бадий адабиётида асосий семантик ва структурал категорияларни ишлатиш қисмининг боғлиқлигини кўрсатамиз. Бу ишнинг илмий янгилиги яна шунда намоён бўладики, асосан фразеологик бирликлар томонидан бериладиган лингвостилистик ўлчамларни ўрганишдир.

Қуйидаги битирув малакавий ишнинг **мазмуни** фразеология материалларга бағишланган бўлиб, мева ва сабзавот номларининг бадий адабиётда, оғзаки нутқда ишлатилишини ўз ичига олади. Мева ва сабзавот номлари ўзининг маъносидан ташқари яна бошқа маъноларда ҳам қўлланилади.

Бу илмий ишимнинг **мақсади** инглиз тилидаги мева ва сабзавот номларининг инглиз ва ўзбек тиллари луғатларида ишлатилишини, семантикасини ўрганиш ва уни ҳаётга татбиқ этишдир.

Иш **вазифалари** эса қуйидагича:

1. Инглиз тилидаги мева ва сабзавот номларининг асосий фразеологик бирликларини кўрсатиш;
2. Мева ва сабзавот номларининг семантикасини ўрганиб чиқиш;
3. Бу бирликларнинг маъносини аниқлаш.

Битирув малакавий ишнинг **материаллари** сифатида асосан фразеологияга оид адабиётлар ва луғатлардан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишнинг асосий мақсади фразеологик бирликларни қиёсий, ҳамда компонентлаб таҳлил қилишдир. Ишга бундай ёндашиш тадқиқотимизнинг натижали чиқишига ёрдам беради.

Ишнинг **объекти** сифатида инглиз тилидаги мева ва сабзавот номлари атрофлича ўрганилди, луғатлардаги маъноси матн маъноси билан келишилган ҳолда кўриб чиқилди.

**Тадқиқот методлари** сифатида биз бу битирув малакавий ишда асосан сифатлаш – таснифлаш, гуруҳларга ажратиш, бошқа тилдаги шунга ўхшаш мисоллар билан қиёслашни лозим кўрдик ва ишимизнинг унумли чиқишига ҳаракат қилдик.

Илмий ишнинг **назарий аҳамияти** шундаки, оғзаки нутқнинг нозик томонларини ва семантик муаммоларини очиб кўрсатишдир.

Ишнинг **амалий аҳамияти** эса қуйидагича: тилга ҳаётий назар билан қараш, тилни тарихий эквивалентлар билан бойитиш, тилга

экспрессив ранг бериш ва ҳаказо. Ҳеч бир фразеологик бирлик алоҳида ҳолда таржима қилинмайди, унинг маъноси конкрет ҳолатда, конкрет маънода ишлатилади. Бу илмий иш материаллари таржима назарияси ва тил ўргатиш методикаси дарсларида қўлланилиши мумкин.

Ушбу битирув малакавий иш **структураси** Кириш, икки бобдан иборат Асосий қисм ва Хулоса қисмидан иборат. Ишнинг Кириш қисмида асосан ишнинг структураси, маъно ва мазмуни, назарий ва амалий аҳамияти, долзарблиги ва вазифалари аниқ намоён этилган. Асосий қисм икки бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда фразеология ҳақида маълумот, фразеологик бирликлар ва бирикмалар ҳақида умумий маълумот берилган. Иккинчи бобда бўлса асосан инглиз тилидаги мева ва сабзавот номлари билан ишлатилган фразеологик бирликлар билан иш олиб борилган. Бу битирув малакавий ишда мева ва сабзавот номлари билан қўлланилган ўнлаб фразеологик бирликлар кўриб чиқилган. Илмий ишнинг охирида бўлса фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

## **Боб I. Фразеология ҳақида тушунча**

### **1.1. Фразеология фани, фразеологик бирликлар, уларнинг турғунлиги ва тузилиши.**

XX асрнинг 60 – йилларидан бошлаб тилшуносликнинг мустақил бўлими бўлиб шакллана бошлаган фразеология фани ҳозирги пайтда ҳам жуда кўп муҳим муаммоларни ҳал қилиши лозимдир. Бу муаммоларни ўрганиш фразеология фани объектининг ва фразеологик бирликларнинг ҳамма қирраларини тўлиқ ёки қисман очишга ёрдам беради.

Фразеологияда оғзаки нутқнинг кўп қирралари: маданий анъаналар, афсона ва халқ оғзаки ижодиёти, диний ҳикоя ва афсоналар, тарихий ҳодисалар (Л.И. Ройзензон 1974, с.84; А.М.Бушуй 1977, с. 168 - 169) дан ташқари “прагматик элементлар”, яъни ҳиссий ва эмоционал реакцияларнинг мураккаб кўринишлари, суҳбатдошга нутқ орқали таъсир қилиш ҳолатлари, ҳақиқатнинг экспрессив ва образли қирралари лингвистик ҳодиса туфайли ўз ўрнини топган. (В.В.Виноградов 1977, с.117 - 120)

Фразеологияда ҳар хил фразеологик бирликлар, бирикмалар, иборалар, мақоллар, айтишувлар ишлатилиши мумкин. Бизнинг асосий мавзуимиз “мева ва сабзавот” номлари билан ишлатиладиган фразеологик бирликларга қаратилганлиги учун, биз биринчи ўринда фразеологик бирликлар ҳақида тушунчага эга бўлишимиз лозим.

Фразеологик бирлик турғун бирикма ҳисобланади. Бу ҳолат ҳеч ким томонидан мунозарага сабабчи бўлмайди. Лекин тилшуносларнинг фикри турғунликка келганда бир-бирига тўғри келмайди. Фразеологиянинг тилшуносликнинг бир бўлими сифатида ривожланиши фразеологик турғунлик назариясисиз ривожланмайди. У турғунлик муаммосини комплекс равишда ҳал қилишга ундайди. Ҳамма мураккаб ҳодисалар унга комплекс ёндашгандагина ўз чигалини ечишга ёрдам беради. Фразеологик бирликнинг турғунлиги унинг ҳар хил

инвариантлигига, яъни норматив ўзгаришларда бирор элементининг ўзгармаслигига мос келади. Фразеологияда қуйидаги инвариантликлар ёки бошқача қилиб айтганда, микротурғунликлар мавжуд:

**1. Ишлатилиши борасидаги турғунлик**, яъни фразеологизм тил бирлиги саналади, у индивидуал ясама бўла олмайди. Бу турғунликнинг асосий кўрсаткичи – унинг тайёр ҳолатдалигидадир. Авторларнинг ишлатган бирикмалари улар ишлатган контекстдан чиқиб, халқ оғзаки ижодида турғун ҳолатда ишлатгандагина, улар фразеологик birlik ҳисоблана бошлайди. Шундай қилиб, халқ ёзувчи ва шоирларнинг ясамаларидан яхши ва кераклиларини танлаб олиб, омма тилида ишлатгандагина бу ясамалар фразеологизмлар ҳисобланиб, тил birlikларига айланади ва тилнинг фразеологик қаторини тўлдиради.

**2. Структурал – семантик турғунлик**, фразеологик birlik икки йки ундан ортиқ сўзлардан ташкил топади, алоҳида тузилган ясама бўлиб, аниқ маънога эга бўлмайди, яъни структурал – семантик модель асосида қуйидагича фразеологик birlikлар ясай олмайди.

**3. Семантик турғунлик.** Тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган фразеологик birlikларнинг маъносининг инвариантлиги қуйидаги жиҳатларга таянади:

а) маъно ўзгаришининг муҳимлиги;

б) фразеологик вариантларда лексик ва иборавий маънонинг мавжудлиги;

в) ҳамма структурал синонимларда иложи борича семантик ва лексик инвариантларнинг мавжудлиги.

Фразеологик вариантлар – маъносининг сифати ва сони жиҳатидан бир – бирига яқин бўлган фразеологик birlikларнинг турлари бўлиб, компонентларнинг ўрни, сўз ясалиши, стилистик ва синтактик таркибнинг бир – бирига мослигидир.



Лексик асоснинг тўлиқ бўлмаган ҳолда мослашуви, маъноларнинг сони, маъноларнинг стилистик йўналиши ва ишлатилиш ҳолларида структурал синонимлар вужудга келади ва уларнинг таркиби фразеологик вариантлар ҳисобидан бойийди.

Фразеологик бирликларнинг вариантлилиги унинг турғунлигига раҳна солмайди, чунки ҳар бир ҳодисада ўзгарувчанлик ва турғунликнинг қарама – қарши яхлитлиги мавжуд. Фразеологик вариантлик фразеологик бирликнинг турғунлигини ушлаб туради, турғунлик бўлса унинг вариантлилигида намоён бўлади.

г) фразеологик бирликларнинг ҳамма норматив ва окказионал ўзгаришларда семантик инвариантнинг мавжудлигидир. Бу фразеологизмларнинг лексик ва грамматик ўзгаришларининг маъноларида у ёки бу аниқликларни киритиш мумкин. Бу яна ҳам кучайиши ёки сустлашиши мумкин. Маъно турғунлигига яна фразеологик бирликнинг лексик турғунлиги ҳам кўмаклашади. Семантик турғунлик фразеологик бирликнинг маъно жиҳатидан ўзгаришига ҳалақит бермайди.

**4. Лексик турғунлик,** яъни компонентларнинг умуман ўзгармаслиги ёки уларнинг фақатгина фразеологик вариантларнинг доирасида компонентларининг норматив алмаштирилиши ёки семантик ва лексик инвариантларни сақлаб қолган ҳолда структурал синонимияси. Вариантлилиқнинг чегараси ҳисобланмиш семантик ва лексик инвариантларнинг бўлмаслиги фразеологик бирликнинг иборавий маъносининг бузилишига олиб келади.

**5. Синтактик турғунлик,** яъни фразеологик бирликлар компонентлар тартибининг тўлиқ ўзгармаслиги ёки варианлик доирасида уларнинг ўзгариши, грамматик инверсия, масалан, феълнинг мажхул нисбатда ишлатилишида “what a cross he has to bear” шаклидаги стилистик инверсия.

Шундай қилиб, фразеологик бирликларнинг турғунлиги – унга таалуқли бўлган ҳар хил типдаги микротурғунликлар мажмуасидир.

Биз турғунликларнинг беш турини ажратиб кўрсатдик. Балки тадқиқотимиз давомида бу санок ўзгариши мумкин. Кўпгина фразеологик бирликларда морфологик турғунлик мавжуд, лекин баъзи фразеологик бирликлар бундан мустасно. Шунинг учун у ёки бу фразеологик бирликларни фразеологик қатордан олиб ташлаб бўлмайди, чунки уларда бу турғунликларнинг қолган беш тури мужассамдир.

Фразеологик бирлик – маъно жиҳатидан тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган ҳолда ўзгартирилган турғун ибораларда лексемалар мужассамлигидир.

Фразеологик бирлик нимадан ташкил топган? Биз фразеологик бирликларнинг компонентларини лексемалар деб атадик. Баъзи лексемалар – потенциал сўзлар ҳисобланади, чунки улар фразеобирликлар таркибига кириб, ўз маъносини бутунлай йўқотади. Бошқа лексемалар фразеобирлик таркибида маъно жиҳатидан тўлиқ ўзгармаган сўзларга айланади. Фразеологик бирлик – гапларда улар гап бўлаги бўлиб ажралиб чиқмайди. Улар матнлар таркибида ҳам фразеологик бирлик бўлиб қолади, гап бўлаги сифатида ажратилмайди. Фразеологик бирликли гаплар ҳам бош бўлакли, ҳам иккинчи даражали гаплардан иборат бўлиши мумкин. Фразеологик бирликлар билан яхлитлигича тўғри келадиган гап бўлаклари билан фразеологизмлар тўғри келмайди.

Потенциал сўз ўзининг мустақил лексик маъносига эга эмас, чунки унинг маъновий структураси мавжуд эмас, у фақатгина фразеологизмнинг маъновий структурасининг бир элементи ҳисобланади, холос. Биз фразеологик бирликлар компонентларини ва мураккаб сўз компонентларини бир – биридан ажратамиз, чунки бу инглиз тили учун жуда муҳимдир. Лексемалар – алоҳида ҳолда тузилган компонентлар ҳисобланади. Лексемалар сўз ўзгариши формаларини

олиши мумкин ва фразеологизмларда ўзгарувчан элементлар билан мослашиши мумкин. Масалан, to close one's eyes to something (бирор нарсага кўзни ёпмоқ) ёки to take one's time (шошмаслик).

Фразеологик бирлик таркибида баъзида фиктив лексемалар (ghost - words) учраши мумкин. Масалан, “muttons” лексемасининг “Let us return to our muttons” бирикмасида “келинг, суҳбатимизга қайтсак” маъносини беради. “Muttons” сўзи аслида инглиз тилида мавжуд эмас, у фақатгина фразеологик бирлик таркибида ишлатилиб, француз тилидаги “moutons” сўзининг кўчирмаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, фразеологик бирликлар асосан маъно жиҳатидан тўлиқ ўзгартирилган потенциал сўзлар бирлашмасидир.

## **1.2. Фразеологик бирлик ва сўзнинг маъно жиҳатидан фарқи ва ўхшашлиги.**

Фразеологик бирликнинг маъновий структураси ва сўзнинг маъновий структураси фақатгина уларнинг мазмунига келиб тақалмайди. Маъновий структуранинг мазмундан ташқари асосий элементи бу – ясаманинг яхлит тузилиши, унинг грамматик безатилиши ва тилнинг системали алоқаларига боғлиқдир. Фразеологик бирликнинг ва сўзнинг маъновий структуралари ҳеч қачон бир – бирига мос келмайди. Бу фразеологик ва лексик маъноларни бир – биридан ажратишга асос бўла олади. Агар биз хоҳлаган лексико – фразеологик синонимик қатордаги фразеологик ва лексик синонимларни таққосласак, шу хулосага келамизки, фразеологик ва лексик маъновий структуралар ҳеч қачон бир – бири билан яхлитлигича мос келмайди. Масалан, “to die” феълининг фразеологик синонимлари қуйидаги бирикмалар ҳисобланади: “to go over to the majority”, “to go the way of all flesh”, “to kick the bucket” ва бошқалар.

Бу синонимик қатордаги элементларни қиёслаганда биз фразеологик бирликлар ва уларнинг лексик маънолари ўртасида кўринарли фарқларни пайқашимиз мумкин.

I. Фразеологик бирликнинг маъноси битта: “ўлиш”, “вафот этиш”.

“To die” феъли бўлса кўп маъноли ҳисобланади:

- 1) “ўлиш”, “вафот этиш”;
- 2) “жуда ҳам хоҳламоқ” (I am dying to see him)
- 3) “тугамоқ”, “йўқолмоқ”, “эсдан чиқарилмоқ” (His fame will never die).

Хорнби луғати “to die” феълининг шу учта асосий маъносини кўрсатиб ўтган. Катта Оксфорд луғатида бўлса “to die” феълининг 12 та маъноси кўрсатилган.

2. “To go over to the majority” фразеологик бирлиги “Яхши дунёга равона бўлмоқ” ҳазил маъносини билдиради. “To go the way of all flesh” фразеологик бирлиги бўлса “бутун оламнинг ҳамма кечинмаларидан ўтиш” маъносини билдиради. “to kick the bucket” фразеологик бирлиги бўлса фразеологик ясама ҳисобланиб, “кутида ўйнаш” маъносини билдиради.

“To die” феълининг маъноси стилистик жиҳатдан нейтрал. Фразеологик маъно – тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган маъно ўзгариши натижасидир, лексик маъно ўзгартирилган ёки ўзгартирилмаган бўлиши мумкин.

3. Фразеологик бирликлар икки ёки ундан ортиқ компонентлардан иборат бўлиб, алоҳида тузилган бирикмалардир, “to die” феъли бўлса яхлит тузилган бирикмадир.

4. “To go over to the majority”, “to go the way of all flesh”, “to kick the bucket” фразеологик бирликлари “away, down, off, out” каби постпозитивлар билан мос тушмаслиги мумкин.

“To die” феъли лексик маънога эга бўлиб, бу постпозитивлар билан мослашади: “to die away” - “жим бўлмоқ” (товуш ҳақида гап кетганда); “to die down” – “оловнинг ўчиши”; “to die off” – “бирин–кетин вафот этмоқ”; “to die out” – “оловнинг ўчиши”.

“To die” феълининг мослашуви унинг фразеологик синонимларига нисбатан кенгрокдир, бу феъл маъносининг кенглигини янада яққолроқ намоиш этади. Мисол учун қуйидаги бирикмаларни келтириш мумкин: “to die a natural death” – “ўзидан – ўзи вафот этиш”, “to die a violent death” – “азоб – уқубат сабабли вафот этиш”; “to die a hero’s death” – “қахрамонларча ҳалок бўлиш” ва бошқалар.

5. “To die” феълига синоним бўлган фразеологик бирликлар бу феълдан фаркли равишда узоқ давом этадиган ҳаракатларда иштирок этмайди. “To die” феъли чексиз бўлиб, у ҳам давомий, ҳам қисқа муддатли ҳолатларда ишлатилади, фразеологик синонимлар бўлса фақатгина қисқа муддатли ҳаракатни намоён қилади.

6. “To die” феълининг фразеологик синонимлари фразеологизмларнинг ҳам, мураккаб сўзларнинг ҳам таркибига киритилмайди.

“to die” феъли бўлса фразеологизмларнинг бир компоненти сифатида қўлланилади: “to die in the last ditch” – “ўлгудай қотиб қолмоқ”, “to die a dog’s death” – “итдай ўлиб кетмоқ”, “never say die” – “ҳеч қачон умидсизланма” ва бошқалар.

7. “To die” феъли мураккаб сўзларнинг компоненти бўлиб ҳам хизмат қилади. Масалан: “Die - hard” – “юраги тош одам, консерватор”.

8. Фразеологик бирликлар алоҳида тузилган ясамалар бўлиб, индивидуал стилистик янгиликлар киритиш мумкин:

The spare furniture has gone the way of all superfluities. (A. Huxley)

Бу фразеобирлик мебель жиҳози борасида ишлатилган ва охириги компонент – яъни “flesh” сўзи “superfluities” сўзи билан ўзгартирилган.

“To die” феъли мебель жиҳози борасида ишлатилмайди ва у ҳеч қандай структурал янгиликларни қабул қилмайди.

9. “To go over to the (great) majority” фразеобирлиги иккита квантатив вариантга бўлинади: “to go over the majority” ва “to go over the great majority”. “To die” феълининг варианти мавжуд эмас.

10. “to die” феълида сўз ясовчи илдиз мавжуд: “dying” – “ўлаётган”, “the dying” – “ўлаётганлар”, “dyingly” – “ўлаётиб”. “to die” феълига синоним бўлган фразеологик бирликлар сўз ясовчи парадигмага эга эмас.

Биз бу бўлимда “to die” феълини ва унга синоним бўлган баъзи фразеологик бирликларни таққосладик. Албатта, бу ўрганиш бизга кўп нарсани аниқлаштириб бера олмайди, лекин шунда ҳам биз тушундикки, фразеологик бирлик ва сўзнинг маъновий структураси бир – бирига мос тушмайди.

Фразеологик луғатларда “контекстуал алмашинувли” ёки “обертонал” таржималар кенг ўринни қамраб олган. “Контекстуал алмашинувли” ёки “обертонал” таржималар – бу ўзига хос окказионал эквивалент бўлиб, фразеологизмни фақатгина бир матнда таржима қилишда қўлланилади. Шунинг учун бундай таржималар фразеологизм таржимаси сифатида кўрсатилмасдан, фақат матндагина кўрсатилади. Шунинг назарда тутиш лозимки, қуйидаги эквивалентнинг окказионаллиги фақатгина матн хусусияти орқали аниқланади, бошқа матнда бўлса бундай таржима обертонал бўлмасдан, тўлиқ ёки қисман эквивалент сифатида кўрсатилиши мумкин. “Контекстуал алмашинувли” ёки “обертонал” таржималар – бу адабий таржиманинг бир қисми бўлиб саналади.

“One’s naked eye” фразеологизми “қуроолланмаган кўз билан” маъносини англатади, лекин бу эквивалент Ч. Диккенснинг “Мартин Челзвит” асаридаги матнга мос келмайди:

“The most short – sighted man could see that at a glance, with his naked eye,” said Martin. Mrs. Homini was a philosopher and an authoress, and consequently had a pretty strong digestion; but this hoarse, this indecorous phrase was almost too much for her. For a gentleman sitting alone with lady – although the door was open – to talk about a naked eye!

Лекин бу асарни таржима қилган ёзувчи Л. Дарузес бу фразеологизмга бошқача ёндашиб, унга обертонал таржима сифатида “очиқ ҳақиқат” эквивалентини танлаган:

“Эссизки, бу очиқ ҳақиқат, ва бу нарсани ҳаттоки кўзи хира киши ҳам англаши мумкин,” деди Мартин. Миссис Хомини файласуф ва ёзувчи эди, ва ҳақиқатни олганда, ҳамма гапни ҳазм қилиши мумкин эди. Лекин бундай кўпол, куракда турмайдиган гаплар ҳаттоки у учун ҳам жуда ёқимсиз эди. Аёл билан якка ўтирган эркакка, эшиклар очиқ бўлса ҳам, ҳақиқатни очиқчасига гапириш мумкин эмас, ахир.

“Очиқ ҳақиқат” – “the naked truth” фразеологизмининг тўлиқ эквивалентидир. “Be on the level” фразеологизми бўлса, “тўғри, ҳақиқатгўй бўлиш” маъносини билдиради, лекин бу таржима қуйидаги гапда бошқача, яъни обертонал таржима билан алмаштирилиши мумкин.

... You better get too struck on that Hortense Briggs. I don't think she's on the level with anybody. (Th. Dreiser, an American Tragedy, b.1 ch. XI)

Гортензия Бриг орқасидан бунча овора бўлма. Менимча, у ҳамманинг бошини қотириб юрибди.

“The apple on one's eye” фразеологизми “кўз қорачиғи” маъносини англатади. Лекин Ч. Диккенснинг асарида бу фразеологик бирлик обертонал таржимага муҳтож:

“Dick,” said the man, thrusting his head in at the door- “my pet, my pupil, the apple of my eye, hey, hey!” (Ch. Dickens, The Old Curiosity Shop, ch. I)

“Дик,” деди эркак, бошини эшик тиркишидан киритиб, - менинг ёкимтойим, менинг шогирдим, сен менинг кўзларимнинг нурисан.

Баъзида таржимада контекстуал ўзгариш бошқа тил эквивалентини деформация қилиши, яъни бузиши мумкин. Масалан, “borrowed plumes” фразеологик бирлиги “товус парларидаги қарға” маъносида ишлатилади.

It’s E. whose life is once more in your hands – it is E. whom you are to save from being plucked of her borrowed plumes, discovered, branded, and trodden down, first by him, perhaps who has raised her to this dizzy pinnacle!  
(W. Scott, The Heart of Mid – Lothian, ch. XLVIII)

Э.нинг ҳаёти яна сенинг қўлингда. Сен Э.ни қутқаришинг керак, у товус патлари юлинган қарғага ўхшаб қолмаслиги керак, уни алдашларига, ерга уришларига, ботқоққа тикишларига йўл қўймаслигинг керак, балки уни ким юқорига кўтарган бўлса, ўшанинг ўзи ёмон аҳволга солиши мумкин.

Энди эса адъектив қиёслашларни уларга таалуқли бўлган сифатлар билан солиштирамиз: (as) merry as a grig – merry, (as) old as the hills – old, (as) plain as the nose on your face – plain. Бу ясамалар орасида қуйидаги фарқлар кўрсатилади:

1. Merry, old ва plain сўзлари бўлинмас тил бирлигидир. Ясама фразеологизмлар эса сўзлардан ташкил топган бўлади ва структураси жиҳатидан мукамалроқдир.

2. Merry, old ва plain сўзлари тузилиши жиҳатидан бир маъноли ҳисобланиб, у лексик маъно ҳисобланади. Бу сўзлар сифатлар ҳисобланади. Фразеологизмларда бўлса, сифатлар ўзининг ҳақиқий маъносида ишлатилиб, отлар ёки сўз бирикмалари ёрдамида маъноси бойитилади. Агар фразеологизмлар таркибидаги сифатлар бир маъноли бўлмаса, у ҳолда от ёки сўз бирикмалари фақатгина бойиб қолмай, яна сифат маъносини англлатувчи фунциясини ҳам бажаради.



Бошқа қиёсланишлар сингари адъектив қиёслашларда ҳам маънонинг иккиламчилиги характерлидир. Фразеологик бирликнинг маъновий структураси сўзнинг маъновий структурасига нисбатан мукамалроқдир.

Алоҳида олинган сифатлар фразеологизм таркибидаги сифатларга нисбатан маъно жиҳатидан кенгроқдир. Мисол қилиб “plain” сифатини оламиз. “As plain as the nose on your face” қиёсий фразеологизмида “plain” сўзининг маъноси куйидагича: “аниқ, равшан, кўринарли”.

Қиёсий фразеологизмларга таалуқли бўлмаган ҳолда, “plain” сифатининг бошқа маънолари ҳам мавжуд: 1) оддий, 2) бир хил рангда (материал ҳақида), 3) текис, равон (жой ҳақида), 4) оддий, кўримсиз (овқат ҳақида), 5) очик, 6) хунук.

3. Сифатлар – тўлиқ ясалган тил бирликлари бўлиб, улар сўз ҳисобланади, лекин улар сўзлардан ташкил топган бўлмайди. Уларда бўладиган бирдан – бир ўзгариш – бу сифат даражаларининг ясалиши, яъни сўзларга суффиксларнинг қўшилиши ҳисобланади. (merry – merrier – the merriest, old – older – the oldest, plain – plainer – the plainest).

Улар ўзига ҳеч қандай ўзгартиришларни киритмайди. Адъектив қиёслашлар алоҳида тузилган ясамалар ҳисобланади. Қиёслашларда сифатлар фақат қиёсий даражада ишлатилади, ҳеч қачон орттирма даража формасини олмайди. Қиёсий даражада ишлатилган сифат адъектив қиёслашнинг биринчи компоненти ҳисобланади.

4. Сўзлардан фарқли равишда адъектив қиёслашлар ўз ичида ўзгартиришлар киритишга мойилдир. Мана шу киритилган ўзгартиришлар фразеологизмнинг бирор компонентига мос тушиши лозим.

“I don’t quite know why?”

“Darling, it’s as plain as the nose on your beautiful face”. (W. S. Maugham, “The Hour Before he Dawn”, ch. II)

5. Сифатлардан, фразеологик бирлик таркибидаги сифатдан фарқли ўлароқ, сўз ва сўз формалари ясалади: merry (the merriest, merrily, merriment), old (the oldest, oldish, oldness, oldster), plain (the plainest, plainly, plainness). Бу ясамалар сифатлардаги сўз ясовчи кўрсаткичлар ҳисобланади.

6. Сифатлар мураккаб сўзлар таркибига киради, лекин улар адъектив қиёслашларда ишлатилмайди: merry (merry-faced, merry-go-round, merry-maker, merry-making), old (old-age-pension, old-fashioned, old-maidish), plain (plain-clothes man, plain-spoken). Бундан ташқари бу сифатлар умуман бошқа маъно касб этиши мумкин.

Old - қадимги замон (масалан, of old - аввалгивақтларда, in the days of old - қадимги даврда, the old - қариялар); plain - 1) аниқ, равшан; 2) очикдан – очик.

Шундай қилиб, қуйидаги сифатларнинг сўз ясовчи парадигмаси худди қиёсий фразеологизм таркибидаги шу сифатлар сўз ясовчи парадигмасига нисбатан анча фарқ қилади. Ўзи қиёсий фразеологизмларда сўз ясовчи парадигмалар мавжуд эмас.

7. Фразеологик бирлик таркибига кирмаган сифатлар, адъектив қиёслашлар таркибида бўлганига қараганда, кенгроқ маъно касб этади.

8. Merry, old ва plain сифатларининг вариатлари ҳам, структурал синонимлари ҳам мавжуд эмас. Адъектив қиёслашларнинг варианлари баъзи ҳолларда структурал синонимлари ҳам бор: (as) merry as a cricket (as a grig, as a marriage-bell, as maids); (as) old as Adam (as the hills); (as) plain as a pikestaff (as day, as daylight, as the nose on your face).

9. Сифатлар доимо қўшилиб ёзилади, адъектив фразеологизмлар бўлса доимо алоҳида тартибда ёзилади.

10. Сифатларда урғу доимо битта бўлади, адъектив фразеологизмларда бўлса, икки ёки ундан ортиқ урғу қўлланилади.

Шундай қилиб, биз ўтказган таҳлил шуни кўрсатдики, фразеологик бирлик ва сўз ўртасида асосий структурал – семантик характер жиҳатидан ўзгаришлар мавжуд. Ҳар томонлама, яъни структурал – семантик, синтактик, морфологик ва лексик жиҳатдан фразеологик бирликлар сўзлардан фарқ қилади.

### **1.3. Фразеологик бирлик ва матн.**

Инглиз тилида фразеобирликларнинг бешта асосий структурал тури мавжуд:

1. Бир бўлимли фразеобирликлар, яъни битта ўз маъносида ва иккита ўзга маънодаги лексемалардан, ёки иккита ўз маъносидаги ва битта ўзга маънодаги лексемалардан иборат фразеологизмлар.

2. Фраземалар, яъни боғловчили ёки эргаш маъноли структурага эга фразеологик бирликлар.

3. Предикатив структурали фразеологик бирликлар.

4. Феъл формали фразеологик бирликлар.

5. Содда ва қўшма гап структурасидаги фразеобирликлар.

Шу ерда айтиб ўтиш жоизки, фразеологик бирликларнинг тўртта структурал – семантик синфи мавжуд. Улар фразеологизмларнинг асосий структурал тури билан мос келмайди.

1. Номинатив фразеологик бирликлар, яъни предмет, воқеа – ходисаларни билдирувчи фразеологик бирликлар.

2. Номинатив – коммуникатив фразеологик бирликлар, бунга асосан феъл формали фразеологик бирликлар мисол бўла олади.

3. Модал феълли фразеологик бирликлар, мантиқий ва предмет маъносини англатмайдиган фразеологик бирликлар.

4. Коммуникатив фразеологик бирликлар, яъни содда ва қўшма гап структурасидаги фразеологик бирликлар мисол бўла олади.

Фразеологик бирликлар нутқда фақатгина контекст таркибида иштирок этади. Фразеологик бирликларнинг контекстда иштирок этиши қуйидаги тушунчалар орқали ифодаланади:

а) Контакт мослашув – семантик фразеологик бирликларнинг аниқ сўзлар ёки сўз гуруҳларига бирлашиши. Бу сўз сўз гуруҳлари фразеологик бирликларга чап ёки ўнг актуализатор бўлиб хизмат қилади.

б) Масофали мослашув – семантик фразеологик бирлик ва унинг актуализатори сўз ёки сўз бирикмаси ёрдамида ажратилади. Масофали мослашувнинг яна бир ҳолати – бу фразеологик бирлик ва унинг актуализатори тиниш белги билан ажратилади.

в) Мослаштириш – бунга ҳам контакт, ҳам масофали мослашув мисол бўла олади.

г) Бирлаштириш – фразеологик бирликлар ва ўзгарувчан гаплар ўртасидаги маъно жиҳатидан боғлиқлик.

Фразеологик контекст – тилда семантик ташкил этилган фразеологик бирликларнинг мослашуви, боғланиши мавжуд бўлган актуализатордир.

Фразеологик контекст бир неча турга бўлиниши мумкин:

**1. Ички иборали фразеологик матн** – содда ёки қўшма гап таркибидаги сўз ёки сўз гуруҳларини билдирувчи фразеологик бирликли актуализатор:

Here is realism as large as life. (S. O'Casey)

Бу ерда “as large as life” фразеологик бирлиги “тўлақонли” маъносини англатади.

**2. Иборали фразеологик матн** – содда ёки мураккаб гаплар билан ифодаланадиган фразеологик бирликлар:

Bekker ... asked Dick how he was getting on. “by lips and bounds”, said Dick. (J. Lindsay)

**3. Иборадан ташқари фразеологик матн** – мураккаб синтактик яхлитлик, у маъно ва синтактик жиҳатдан бирлашган гаплардан ташкил топади. Фразали контекст фразеологик бирликларнинг нутқда ишлатилиши учун етарли маълумот бермайди. Бундай пайтда кенг контекст лозим бўлади.

Фразеологик бирликлар фақатгина контекстда эмас, яна текстда ҳам ишлатилиши мумкин. Шунга мисол қилиб, бадий адабиётдаги баъзи асар номларини келтириш мумкин: “The Old Wive’s Tale” (A. Bennett); “The Golden Calf” (M. Braddon); “Cards On The Table”, “Cat Among the Pigeons” (A. Christie); “Open Sesame” (Fr. Marryat); “Cakes and Ale”, “The Land of Promise” (W. S. Maugham); “The Devil’s Advocate” (M. West); “In Cold Blood” (Truman Capote) ва бошқалар.

## **II боб. Қиёсий фразеологиянинг умумий тушунчалари .**

### **2.1. Фразеологияда қиёслаш .**

Ҳар бир қиёслашнинг асосий элементи бу-таққосланётган ходисаларнинг интеграл ва дифференциал белгиларни аниқлашдир. Бу нарса тилга ҳам таалуклидир. Фердинанд де Соссюр томонидан ўрганилган тилдаги белги ва фарқларни топишда ҳар хил тил таҳлил методлари ётади, булар – қарама- қарши, трансформацион, компонентли ва бошқалардир. Охириги икки ўн йилликда жуда кўп монографик очерклар аниқ тил жуфтликлари ёки гуруҳлари ўртасидаги қиёслашга қаратилган. Улар грамматиканинг ва фразеологиянинг асосий муаммоларига бағишланган.

Қиёсий тадқиқотга қуйидаги фразеологик бирликлар киради : бир типдаги структурага ва функцияга эга фразеологик бирликлар (вербал, адъектив, компаратив); гап структурасига эга бўлган фразеологик бирликлар; ҳар хил структурал моделга эга фразеологизмлар ; ҳар хил типдаги компонентларга эга фразеологизмлар, яъни, соматизмлар, ҳаракат феъллари ва сифатларини аниқловчи компонентлар, бир хил семантикага эга гуруҳлар ва тилларнинг умумий фразеологик фондларига эгадир .

Фразеологик бирликларни қиёсий ўрганиш анчадан бери қилинаётган бўлсада, бу йўналиш ҳали ҳам бошланғич даражада ҳисобланади .Бу мавзу бўйича биринчи умумназарий иш 60-йилларнинг ўрталарида Ройсензон, Авалиани томонидан бошланган.Улар фразеологияни ўрганишда асосий қиёсий ва конфронтатив аспектларни белгилашган: [34,11-18].

1) қиёсий, бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш, қардош бўлмаган тилларни қиёслаш;

2) таққослаш, яъни қардош тилларда ўхшаш фразеологик фактларни таҳлил қилиш;

3) структурал-типологик, қардош ва қардош бўлмаган тилларнинг фразеологик ясалишини ўрганиш;

4) ареал, аспект, географик, тил ва маданий бирликни ташкил қилувчи фразеологик бирликларнинг қиёсланиши ва яқинлигидир.

Л.И.Ройзензон ва Ю.Ю.Авалиани томонидан кўриб чиқилган таҳлил йўналиши ҳозирги кунгача ҳам долзарбдир, бу кўп тадқиқотларда кўриниб турибди.[15,12-15].

#### **Қиёсланаётган тиллар характери ва сонига қараб :**

- 1) қардош ( ўзбек ва тожик);
- 2) узок қардош (ўзбек ва турк);
- 3) қардош бўлмаган ( инглиз ва грузин);
- 4) аралаш қаторлар (инглиз – рус - ўзбек).

#### **Қиёсланаётган фразеобирликлар характериға қараб :**

- а) бир хил структура ва функцияға эға фразеобирликлар гуруҳи ;
- б) семантик жиҳатдан бир хил компонентни ўзида мужассам этган фразеобирликлар гуруҳи;
- с) бир хил сигнификатив маъноға эға фразеологик бирликлар гуруҳи;
- д) ҳар хил тилларда бир - бириға мос келадиган семантик ва лексик –грамматик асосға эға фразеологик бирликлар гуруҳи;

#### **Қиёсланаётган ҳодисалар характериға қараб :**

- 1) фразеологик бирликларнинг грамматик жиҳатлари ;
- 2) фразеологик бирликларнинг лексик ( компонентли ) таркиби;
- 3) фразеологик системада фразеологик семантика ва семантик муносабатлар;
- 4) фразеологияда стилистик характеристика ва ҳодисалар ;
- 5) фразеологияда саноқ характеристикаси.

Фразеологик таркибни қиёсий ўрганиш асосан бошқа тил системасидаги фразеологик системани солиштириш орқали ўрганилади.

“Фразеологизмлар – бу иккиламчи ҳосил бўлган бирликлар бўлиб, бошқа бирикмалардан кам ишлатилиши билан фарқланади.[14,14]

Ўзининг формал структурасига нисбатан – фразеологик бирликлар – бу сўз бирикмаларидир.

Шундай қилиб, фразеологик система бошқа тил даржалари асосида ташкил топади ва улардан ясалади. Биринчи ўринда, булар лексик ва грамматик жиҳатлардир. Фразеологиянинг асосий хусусияти шундаки , унда кам ёки кўп ҳолатда бошқа тил даражаларининг асосий хусусиятлари яққол намоён бўлади. Бунда фразеологик таҳлилда қиёслашнинг асосий хусусияти кўринади- асосан бирламчи система, яъни лексик ва грамматик , ҳамда уларнинг фразеологияда пайдо бўлиш хусусияти назарда тутилади.

## **2.2.Фразеологик бирликларни қиёслаш.**

Икки тилнинг аниқ фразеологик бирликлари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни ўрганиш бу – фразеологияда қиёсий таҳлилнинг асосини ташкил қилади.

Қиёсланаётган тиллардаги ҳар хил типдаги фразеологик эквивалентларни кўрсатиш чет тилини ўрганиш ва таржимани ўрганишга хизмат қилади, эквивалентларнинг ўзи бўлса икки тилли луғатларда кўрсатилади. Аниқ, конкрет фразеологик бирликларни қиёслаш ҳар хил йўналишга материал йиғишга ёрдам беради: таржима назарияси, фразеография назарияси ва қиёсий – типологик тадқиқотлар .Буларнинг асосида конкрет фразеологик бирликлар ўртасида ҳар томонлама ўрганилиш объекти ётади .Бундай мослик бўлмаса, фразеологик бирликлар ўртасида тўлиқ фарқ бўлади.

Фразеологик луғатларда “контекстуал алмашинувли” ёки “обертонал” таржималар кенг ўринни қамраб олган. “Контекстуал алмашинувли” ёки “обертонал” таржималар – бу ўзига хос окказионал



эквивалент бўлиб, фразеологизмни фақатгина бир матнда таржима қилишда қўлланилади. Шунинг учун бундай таржималар фразеологизм таржимаси сифатида кўрсатилмасдан, фақат матндагина кўрсатилади. Шунини назарда тутиш лозимки, қуйидаги эквивалентнинг окказионаллиги фақатгина матн хусусияти орқали аниқланади, бошқа матнда бўлса бундай таржима обертонал бўлмасдан, тўлиқ ёки қисман эквивалент сифатида кўрсатилиши мумкин. “Контекстуал алмашинувли” ёки “обертонал” таржималар – бу адабий таржиманинг бир қисми бўлиб саналади.

“One’s naked eye” фразеологизми “қуролланмаган кўз билан” маъносини англатади, лекин бу эквивалент Ч. Диккенснинг “Мартин Челзвит” асаридаги матнга мос келмайди:

“The most short – sighted man could see that at a glance, with his naked eye,” said Martin. Mrs. Homini was a philosopher and an authoress, and consequently had a pretty strong digestion; but this hoarse, this indecorous phrase was almost too much for her. For a gentleman sitting alone with lady – although the door was open – to talk about a naked eye!

Лекин бу асарни таржима қилган ёзувчи Л. Дарузес бу фразеологизмга бошқача ёндашиб, унга обертонал таржима сифатида “очиқ ҳақиқат” эквивалентини танлаган:

“Эссизки, бу очиқ ҳақиқат, ва бу нарсани ҳаттоки кўзи хира киши ҳам англаши мумкин,” деди Мартин. Миссис Хомини файласуф ва ёзувчи эди, ва ҳақиқатни олганда, ҳамма гапни ҳазм қилиши мумкин эди. Лекин бундай кўпол, куракда турмайдиган гаплар ҳаттоки у учун ҳам жуда ёқимсиз эди. Аёл билан яққа ўтирган эркакка, эшиклар очиқ бўлса ҳам, ҳақиқатни очиқчасига гапириш мумкин эмас, ахир.

“Очиқ ҳақиқат” – “the naked truth” фразеологизмининг тўлиқ эквивалентидир. “Be on the level” фразеологизми бўлса, “тўғри,

хақиқатгўй бўлиш” маъносини билдиради, лекин бу таржима куйидаги гапда бошқача, яъни обертонал таржима билан алмаштирилиши мумкин.

... You better get too struck on that Hortense Briggs. I don't think she's on the level with anybody. (Th. Dreiser, *An American Tragedy*, b.1 ch. XI)

Гортензия Бриг оркасидан бунча овора бўлма. Менимча, у хамминг бошини қотириб юрибди.

“The apple on one's eye” фразеологизми “кўз қорачиғи” маъносини англатади. Лекин Ч. Диккенсинг асаарида бу фразеологик бирлик обертонал таржимага муҳтож:

“Dick,” said the man, thrusting his head in at the door- “my pet, my pupil, the apple of my eye, hey, hey!” (Ch. Dickens, *The Old Curiosity Shop*, ch.I)

“Дик,” деди эркак, бошини эшик тирқишидан киритиб, - менинг ёқимтойим, менинг шогирдим, сен менинг кўзларимнинг нурисан.

Баъзида таржимада контекстуал ўзгариш бошқа тил эквивалентини деформация қилиши, яъни бузиши мумкин. Масалан, “borrowed plumes” фразеологик бирлиги “товус парларидаги қарға” маъносида ишлатилади.

It's Andrew whose life is once more in your hands – it is E. whom you are to save from being plucked of her borrowed plumes, discovered, branded, and trodden down, first by him, perhaps who has raised her to this dizzy pinnacle! (W. Scott, *The Heart of Mid – Lothian*, ch. XLVIII)

Эндрюнинг ҳаёти яна сенинг қўлингда. Сен Эндрюни қутқаришинг керак, у товус патлари юлинган қарғага ўхшаб қолмаслиги керак, уни алдашларига, ерга уришларига, ботқоққа тикишларига йўл қўймаслигинг керак, балки уни ким юқорига кўтарган бўлса, ўшанинг ўзи ёмон аҳволга солиши мумкин.

Фразеологик бирликларнинг қиёсий характеристикаси санок аспекти, яъни конкрет фразеологик бирликлар ўртасидаги аниқ санокни, уларнинг қиёсий ишлатилишини кўрсатади.

Фразеологик бирликларнинг тиллар ўртасида аспектual ва функционал маъно жиҳатидан ўрганилиши – бу автоном ҳодисалардир. Улар ёрдамида фразеологик эквивалентларнинг типологияси кўрсатилади ва у қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади: структурал – семантик ва функционал маънога эга эквивалентлар. Аспектual ва функционал маъно жиҳатидан тилларни таҳлил қилганда тиллар ўртасидаги муносабатларнинг қуйидаги турлари пайдо бўлади:

1) **мослик**, яъни аспектнинг маъно билан тўлиқ мослашуви ;

2) **лексик вариант ёки структурал синонимия** , маъно ва синтактик ясалишнинг бутунлигича мос келиши;

3) **идеографик синонимия**, яъни ҳар иккала тилдаги фразеологик бирликларнинг ўзига хос семантик белгиларнинг сигнификатив маъносининг мослашуви ;

4) **гиперо–гипония**, яъни қиёсланаётган фразеологик бирликларнинг бирида қўшимча ,конкрет семантик белгиларининг сигнификатив маъно борлиги сабабли мослашуви ;

5) **стилистик синонимия**, яъни стилистик маъно ўртасидаги фарқнинг борлиги ва шу сабабли уларнинг мослашуви;

б) **антонимия ва полисемия**, яъни ўрганилаётган маънолар ўртасида фарқнинг катта ёки кичиклиги ;

7) **энантиосемия**, яъни ўрганилаётган фразеологик бирликлар маъноларининг бир-бирига қарама –қаршилиги .

Агар фразеологик бирлик кўп маъноли бўлса, у ҳолда ҳар бир фразеосемантик вариант алоҳида ўрганилади.

Тиллар ўртасидаги мослашувнинг яна бир аспектларидан бири бу санок аспектидир ва у қуйидаги характеристикаларни ўз ичига олади:

а) мос фразеологик бирликлар қиёслашнинг ишлатилиши ;

б) ҳар иккала тилда у ёки бу маъноси аниқловчи эквивалентлар – фразеологик бирликларнинг сони;

с) ўрганилаётган тиллар фразеологик системасидаги фразеологик бирликларнинг сони.

Фразеологик бирликлар ҳар хил частотага эга бўлади: юқори ,ўрта ва паст частотали фразеологик бирликлар .Қиёсланаётган тилда ҳар бир фразеологик бирликнинг биттадан тўлиқ структурал – семантик маъноли эквиваленти бўлади. Структурал – семантик нуктаи назаридан тўлиқ бўлмаган эквивалентлар сони бўлса кўпчиликни ташкил қилади.Агар фразеологик бирликларнинг эквивалентларини ҳисобга олсак , улар қиёсланаётган тилдаги эквивалентлар билан қуйидагича таққосланади:

1) битта бир маъноли мослик , яъни битта инглиз фразеологик бирлигига битта аниқ ўзбек фразеологик бирлиги мос тушади . А.В. Кунин уларни “моноэквивалентлилар” [10,8] деб атаган, одатда улар тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган структурал–семантик эквивалентлар ҳисобланади.

2) бир маъноли бўлмаган мослик, бунда битта ёки ҳар иккала тилда тўлиқ структурал–семантик эквивалентдан ташқари яна бошқа параллел эквивалентлар мавжуд бўлади. Бундай мосликлар асосан фразеологизмлар қаторида кўп синонимлар мавжуд бўлганда қўлланилади.

3) Инглиз – ўзбек (ўзбек – инглиз) фразеологик эквивалентлари ўртасида инглиз ва ўзбек фразеологик системаларини қиёслаш катта ўрин эгаллайди.

Демак шундан кўриниб турибдики, қиёсланаётган фразеологик бирликларнинг аниқ функционал – маъновий таснифга нисбатан аниқ фразеологик структура таснифи кенгроқ яратилган ва қўлланилади .

## **Боб III. Мева ва сабзавот номлари билан қўлланиладиган фразеологик бирликлар ва уларнинг ўзбек тилига талқини**

### **3.1. Инглиз тилида мева-сабзавот номлари билан қўлланилган фразеологик бирликларнинг умумий талқини**

Миллий қадрият ва тарихни кўрсатувчи фразеологик бирликлар ҳар доим ҳамма халқлар томонидан қадрланган. Бундай фразеологик бирликларда халқнинг меҳнат фаолияти, яшаш шароити ва халқ маданияти ўз аксини топган.

Инсон ташқи кўриниши ва хусусиятини кўрсатиш мақсадида ҳар хил мева ва сабзавотларнинг номлари халқ томонидан қўлланилиб келинади. Масалан, ўзбек тилида “икки юзи мисли қип-қизил олма”, ва бошқалар.

Бу тадқиқотимизнинг асосий мақсади олдин айтиб ўтганимиздай – инглиз тилида мева ва сабзавот номи билан қўлланиладиган лексик бирликлар семантикаси ва шу фразеологик бирликларнинг таҳлилидир. Мева ва сабзавотларнинг одам организмига бўлган фойдаси ҳақида ҳамма билишига гумонимиз йўқ. Шунинг учун биз бу бирликларнинг тилда қўлланилишини ўрганиб чиқамиз. Бу тадқиқот учун материал бир нечта манбадан олинган: изоҳли луғат, инглиз тили сўзлашув луғати, фразеологик луғатлар, инглиз тили мақоллари луғати. Тадқиқот шуни кўрсатдики, инглиз тилида мева ва сабзавотларнинг номи билан қўлланилган лексик бирликлар кўп маънолидир. Уларнинг тўғри маъноси тановвул қилинадиган озиқ-овқатни билдирса, кўчма маъноси метафорик бирлик бўлиб, кундалик ҳаётда қўлланиладиган ҳар хил элементларни билдиради. Когнитив лингвистикада метафора полисемия, ёки кўп маънолилиқни англатувчи асосий восита ҳисобланади. Когнитив метафоранинг асосини чет эллик когнитологлар Дж. Лакофф ва

М.Джонсон ишлаб чиққан. Уларнинг фикрича, “метафора кундалик ҳаётга кириб бораётган пайтда, нафақат тилга, балки онгимизга ҳам таъсир қилмоқда.” [2,с.3]

Бундай ўтказиладиган тадқиқотлар йўналишлари жуда хилма-хилдир. Бу йўналишлардан бири шахсиятни уларни ўраб турган атроф-муҳит орқали ўрганишдир. Бундай тадқиқотларнинг асосий хусусиятларидан бири тилни ҳар хил даражаларга ажратиб, шахсни шу даражалар асосида тадқиқ қилишдир. Шундай ҳолатларда эътибор марказида энг қийин даражалар, яъни сўз, сўз бирикмаси ва фразеологизмлар туради. Матн масаласига келсак, инсонларнинг образини очишга ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан жуда кам фойдаланишган. Шундай бўлган тақдирда ҳам матн даражаси тилда бўладиган муаммоларнинг ечимини осон ва тушунарли ҳал қилишга қаратилган.

Матн деганда биз анъанага биноан, маъно жиҳатидан мос келадиган, узвий кетма-кетликка эга бўлган маъновий тузилмани тушунамиз. Матн ҳар хил функционал услубга эга, ҳар хил ҳажмдаги тил бирлиги саналади. Матнларни таҳлил қилиш давомида, инсонларнинг атрофидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш, ва шу дунёдаги характерларнинг сифатини одмларга кўчириш тарихий тажрибага олиб боради ва бу бирикмаларнинг йиллар ва асрлар давомида ривожланиб келганини исботлайди.

Янги объектларни аниқлаш учун инсон онги одамда мавжуд турғун ассоциациялар асосида пайдо бўлган аналогларни топади. Мева ва сабзавотларнинг метафорик мазмуни уларнинг формаси, ранги, сифати ва бошқа хусусиятлари асосида пайдо бўлади. Тадқиқот давомида биз шу нарсага амин бўлдикки, таҳлил учун танланган кўпчилик бирликлар инсон хусусиятларининг фақат баъзи томонларини очиб беради. Бу нарса уларнинг семантикаси ва маъносининг

умумийлигини очиб, фразеологик бирликларнинг кўп маъноли эканлигини кўрсатиб беради. Тадқиқот давомида шу нарса маълум бўлдики, **noun + head** бирикмалари “ахмоқ одамни”, **noun + eater** бирикмалари тилга олинаётган предметларнинг этник келиб чиқишини кўрсатади. “**to go + fruit**” бирикмалари бўлса “ақлдан озмоқ” маъносини беради.

Сон нуқтаи назаридан олиб қаралганда, инглиз фразеологиясида мева номлари билан қўлланилган фразеологик бирликлар сабзаёт номлари билан қўлланилган фразеологик бирликларга нисбатан кўпчиликти ташкил этади. Бундай тафовут албатта иқлим, савдо ва сиёсий шароитлар билан боғлиқ бўлган.

Биз бу бирликларни чуқурроқ таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз ва уларнинг аспектual, функционал – маъновий кўринишини ўрганамиз.

Инглиз ва ўзбек тилларида шундай фразеологик бирликлар мавжудки, бу тиллар бир-бирига қардош бўлмасада, бу бирликлар бир-бирига ўхшайди:

The fruit of one's labour - меҳнатларимиз меваси;

To bear fruit - ҳосил бермоқ;

Reap the fruits of one's labour - ҳосилдан баҳраманд бўлмоқ;

The apple doesn't fall far from the tree - олма олма дарахтидан узоққа тушмайди;

Tree is known by its fruit - дарахт меваси билан, одам меҳнати билан кадрлидир.

Тилда шундай фразеологик бирликлар мавжудки, улар ўзаро тилларда лексик жиҳатдан мос тушади: red as a beet - лавлагидай қип-қизил.

Баъзи шундай фразеологик бирликлар мавжудки, инглиз тилида мева-сабзавот номлари ишлатилсада, ўзбек тилида бу бирликлар умуман бошқача талқин қилинади:

Not be worth a fig - бир пулга қиммат;

A carrot and stick policy - жанжалли сиёсат.

Яна шундай фразеологик бирликлар ҳам мавжудки, улар тўғридан-тўғри полисемияга мисол бўла олади. Полисемияга мисол қилиб, “squeezed orange” фразеологик бирлигини келтириш мумкин. Инглиз тилининг ўзида бу бирлик икки хил талқин қилинади: 1) чарчаган, холдан тойган; 2) кераксиз одам.

Ўзбек тилида бўлса бундай фразеологик бирликлар жуда камчиликни ташкил қилади. Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, ўрганилган фразеологик бирликлар орасида шундай фразеосемантик гуруҳ мавжудки, улар инсонларнинг фарқли кўринишларини намоён қилади: “an apple polisher” – “ўзини мақтайдиган”; “crazy as a peach” – “жиннинамо, ахмоқ”; “a dry bob” – “Итонда енгил атлетика билан шуғулланадиган”; “a peanut politician” – “майда сиёсатчи”; “full of beans” – “фаол, энергияга тўла”; “some pumpkins” – “катта хўжайин”; “a lemon” – “ёлғонга ишонувчан”; “low-hanging fruit” – “содда инсон” ва бошқалар.

Бу гуруҳдаги фразеологик бирликлар жуда экспрессив ва бу бирликлар орқали сўзловчи тингловчи ва бошқа одамларга нисбатан манфий ва мусбат баҳо бериши мумкин. Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, фразеологик бирликлар асосан манфий характерга эга бўлган бирликлар ҳисобланади.

Фразеологик бирликларни таҳлил қилиш давомида шу нарсага амин бўлдики, баъзи бирликлар таққослаш йўли орқали кўрсатилган, ва бундай бирликларни ҳамма тилларда ҳам учратиш мумкин. Масалан, “in apple-pie order” – “намунали тарзда”, “life is just a bowl of cherries” –



“тинч, яхши ҳаёт”, “red as a cherry” – “қип-қизил”, “sure as God made little green apples” – “икки карра иккидай”, “to compare apples to oranges” – “ер ва осмон ўртасидаги фарқдай”, “brown as a berry” – “офтобда тобланган”, “like old gooseberry” – “бор кучи билан”, “green as gooseberry” – “тажрибасиз”, “like two peas in a pod” – “бир-бирига икки томчи сувдай ўхшаш”, “pea-soup fog” – “қуюқ” ва бошқалар.

Қуйидаги гуруҳни таҳлил қилиб, биз шу хулосага келдикки, одамлар ҳар доим ҳам ҳамма нарсани таққослаш ёки қиёслаш йўли орқали ўрганган. Агар инсон шу таҳлил қилинган мева ва сабзавотларнинг хусусиятларини яхши билса, бу фразеологик бирликлар бекордан-бекорга қўлланмаганлигига амин бўлади. Бизга мълумки, одамлар ҳамма вақт ўзларининг тилларини бойитиш мақсадида шундай ибораларни қўллашган ва кейинчалик бу иборалар фразеологик бирликларга айланган.

Стилистик нуқтаи назардан ўрганилганда, мева-сабзавот номлари қўлланилган фразеологик бирликларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: кўп услубли/ нейтрал: “like two peas in a pod”, китобий фразеологизмлар, яъни юқори стилистик бўёққа эга фразеологизмлар: “apple of discord”, “to bear fruit”; паст стилистик бўёққа эга, яъни сўзлашувда қўлланиладиган фразеологизмлар: “a real peach”, “to drive bananas”. Шу учта гуруҳдан сўзлашувга оид гуруҳда фразеологик бирликларнинг сони кўп қўлланиладиган фразеологик бирликлар саналади.

Биз бу илмий тадқиқотимизда фразеологизмлар, лексемалар ва мақолларнинг бошқача тузилишини очиб беришга ҳаракат қилдик, чунки бизнинг нуқтаи назаримизда бу фразеологизмлар амалий аҳамияти жиҳатидан жуда фойдалидир. Таҳлил давомида 14та метафорик маъно ажратиб олинди.

Одамларнинг онгсиз равишда бирор ҳаракатни бажариши, ақли жойига қўймай, ўз билганича иш тутиши қуйидаги фразеологик бирликларда ўз аксини топган: *apple head, beet, cabbage, cabbage head, potato-head, pumpkin-head, pumpkin, pea-brained, plum, cherries, fruit loop*. Аввал айтиб ўтганимиздай, мева ёки сабзавот номи ва “head” бирлиги биргаликда инсонларнинг ахлоқона ҳатти – ҳаракатлари, ақлга сиғмайдиган гаплари билан таърифланади.

**A crazy person:** bananas, banana truck, fruitcake, nut bar, nutcase, nut job, be of one’s onions;

**A lazy person:** couch potato, potatoed, kiwi;

**An experienced person:** not as green as one is cabbage – looking, corn man, as green as gooseberry, onion;

**A disabled person:** lemon, raspberry ripple, raspberry, vegetable;

**A drunk person:** corned, cabbaged;

**A person with red hair:** carrot crotch, carrot top, ginger;

**A woman / a girl:** apple bottom, Chiquita banana, cherry, cherry girl, lemon curd, peach, potato peeler, strawberry blonde, tomato;

**A man:** bean, cherry boy, corn man, fig, lemon squeezer, pineapple, okra;

**A favorite:** apple of one’s eyes, my cabbage, sweet pea;

**A friend:** old bean, cornbread, peaches, peach;

**A country-dweller:** apple-knocker, carrot cruncher;

**Police:** blueberry, cherry-tops, ginger pop, lemon drop;

**About ethnic origin:** apple, bean eater, beet eater, cabbage eater, carrot eater, carrot shaper, coconut, kiwi, orange, pea-soup, pepper, potato baby, potato chaser, potato eater, tomato eater.

**Idioms concerning mental abilities:** to go bananas – ақлдан озмоқ, to know one’s beans – нимани қаерда қўллашни билмоқ, to know how many beans make five – ақли жойида, not know beans about something – ҳеч нарсани билмаслик, not as green as one is cabbage looking – бунчалик ахлоқ эмас,

as green as gooseberry – ҳаётни билмайдиган, тажрибасиз, to hand somebody a lemon – бировни алдамоқ, to go nuts – ақлдан озмоқ, to know

onions - ақлли, be off one's onions – ақли заиф;

**Idioms concerning pleasure and success / failure:** to get beans - жазоланмоқ, to give beans - жазоламоқ, hold out a carrot to someone – бирор нарсага эришиш учун кўп ваъда бермоқ, like a carrot to a donkey – бировни жалб қилмоқ, have more than one bite at the cherry – кўп имкониятга эга бўлмоқ, to bear the fruits of something – баҳраманд бўлмоқ, cut the mustard – муваффақиятга эришмоқ, be the only onion in the stew – эътиборга олинадиган биттагина одам, play gooseberry – учинчиси ортикча;

**Idioms concerning luck:** to wait for the plums to fall into one's mouth – олма пиш, оғзимга туш, to find the bean in the cake – омад кулиб боқмоқ;

**Idioms concerning emotions:** to tread one's corns – бировни хафа қилмоқ, as cool as a cucumber - совуққон, to play old gooseberry – ваҳима қилмоқ, on one's nuts – биров томонидан қилинган босим, to get up your onions – жиғига тегмоқ, to hold one's potato – чидамоқ.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, бу ишлаб чиқилган таркиб классификациянинг ишчи варианты бўлиб, чуқурроқ таҳлил қилинганда кўпроқ фразеологизмларга эътибор қаратилади. Бундан ташқари яна фразеологизмлар ишлатилиши борасидамусбат ва манфий маънони ҳам англатади. Масалан, манфий характерли фразеологик бирликлар: a rotten apple – атрофдагиларга ёмон таъсир кўрсатувчи инсон, the apple of Sodom - роҳат келтирувчи нарса, lemon - омадсиз, a squeezed lemon- кераксиз одам, not quite the clean potato - шубҳали инсон ва бошқалар. Мусбат характерли фразеологик бирликлар: old bean - қадрдон дўст, cornbread - ажойиб дўст, sweet pea - азиз инсон, peachy - яхши ва

бошқалар. Умумий ўрганилган мисоллардан шу маълум бўлдики, манфий маъноли фразеологик бирликлар мусбат маъноли фразеологик бирликларга нисбатан кўпроқдир. Материал йиғиш давомида яна шу нарса кўринарли бўлдики, кўпчилик мева ва сабзавотларнинг номлари ҳатто мақолларда ҳам ишлатилади:

The rotten apple injures its neighbors - Қозонга яқин юрсанг қораси юқар;

Not worth a bean - Арзимас;

As like as two peas - Икки томчи сувдай ўхшаш;

A rotten apple spoil the barrel - Ёмон бузоқ подани бузади.

Таҳлил давомида шу нарсага амин бўлдикки, инглиз тилида мева ва сабзавотларнинг номлари кенг семантикага эга. Мустақил ҳолда ҳам, фразеологик бирлик ва мақоллар таркибида ҳам улар метафора сифатида қўлланилади, яъни этник алоқалари, бошқалар билан муносабати, ақлий ва жисмоний онги, психологик белгилари очиб кўрсатилади.

### **3.2. Мева-сабзавот номлари қўлланилган фразеологик бирликларнинг бадиий адабиётда ишлатилиши ва уларнинг ўзбек тилига таржимаси**

Юқорида айтиб ўтганимиздай, фразеологик бирликлар асрлар давомида халқ орасида ишлатилиб, секин аста ривожланиб борувчи бирликлар ҳисобланади. Бу бирликлар ёзувчи ва шоирлар томонидан ижод маҳсулларида ҳам кенг қўлланилади. Чунки фразеологик бирликлар адабиётга ва нутққа бадиий безак беради.

Замонавий тилшуносликда асосий эътибор инсон факторини ўрганишга қаратилган. Бундай ўтказиладиган тадқиқотлар йўналишлари жуда хилма-хилдир. Бу йўналишлардан бири шахсиятни уларни ўраб турган атроф-муҳит орқали ўрганишдир. Бундай тадқиқотларнинг

асосий хусусиятларидан бири тилни ҳар хил даражаларга ажратиб, шахсни шу даражалар асосида тадқиқ қилишдир. Шундай ҳолатларда эътибор марказида энг қийин даражалар, яъни сўз, сўз бирикмаси ва фразеологизмлар туради. Матн масаласига келсак, инсонларнинг образини очишга ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан жуда кам фойдаланишган. Шундай бўлган тақдирда ҳам матн даражаси тилда бўладиган муаммоларнинг ечимини осон ва тушунарли ҳал қилишга қаратилган.

Матн деганда биз анъанага биноан, маъно жиҳатидан мос келадиган, узвий кетма-кетликка эга бўлган маъновий тузилмани тушунамиз. Матн ҳар хил функционал услубга эга, ҳар хил ҳажмдаги тил бирлиги саналади. Матнларни таҳлил қилиш давомида, инсонларнинг атрофидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш, ва шу дунёдаги характерларнинг сифатини одмларга кўчириш тарихий тажрибага олиб боради ва бу бирикмаларнинг йиллар ва асрлар давомида ривожланиб келганини исботлайди.

Инглиз фразеологиясида инсон ўзини ўраб турган атроф-муҳит билан бўлган муносабат кенг қамровли саналади ва ўсимлик дунёсига оид бирликлар инсонларни таърифлашга кенг қўлланилади.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ўсимлик дунёсига оид фразеологик бирликлар асосан фразеологияда инсонларнинг ташқи кўринишини ва ташқи дунёсини таърифлашга қаратилган. Инглиз тилида матнлар ҳажм жиҳатидан қандай бўлишидан қатъий назар, шахсни яхлитлигича таърифлашга ҳаракат қилади. Бундай белгилар кенглик қамрови чегараланган. Ва асосий ҳолларда инсонларнинг тшқи кўриниши кўрсатилади. Масалан, “as red as a rose” (“Атиргулдай қип-қизил”), “as red as a cherry” (“Олчадай қип-қизил”). Мисолларда кўриниб туришича, матнларда намоёиш этилган инсон сифатлари турғун бўлиб, тилга оид лексиканинг ривожланишига ҳар томонлама ёрдам беради.

Бундай хусусиятларга асосан ўсимлик ва меваларнинг ранги ва одам организмининг қисмлари кўрсатилади. Инсонларга нисбатан фразеологик бирликларнинг қўлланилиши тилнинг коммуникатив ривожланишига ёрдам беради.

Матнларда бъзан шундай тематик бирликлар мавжудки, улар хайвонот ва асосан ўсимлик дунёси билан чамбарчас боғлиқдир. “As like as two peas”, “as like as an apple to an apple”, “as like as an apple to an oyster”, “as like as an apple to a nut” бирикмаларини мисол тариқасида кўриб чиқиш мумкин. Баъзи ҳолатларда икки предмет ўртасидаги бир хилликни кўрсатса, иккинчи томондан баъзи мисоллар ёрдамида предметларнинг бир-биридан фарқи кўрсатилган. Инсонларнинг ташқи кўриниши билан ранг мавзусини қўллаш мумкин. Чунки гуллар ва қўлланилган ранглар инсонларни манфий томонларини кўрсатиш учун қўлланилмайди. “Fresh as an orange”, “Fresh as a lemon” ва бошқалар.

Биз ўз илмий тадқиқотимизда баъзи машҳур инглиз ва Америка ёзувчиларининг асарларидан мисол келтиришга ҳаракат қилдик. Инглиз фразеологиясида сабзавот номларига нисбатан мева номлари қўлланилган фразеологик бирликлар кўпчиликни ташкил этади. Масалан, “*Adam’s apple*” фразеологик бирлиги ўзига жалб қилувчи, истараси иссиқ шахс маъносида қўлланилади:

*George entered the office of the properly broker, a little bald, old man with a thin neck and prominent Adam’s apple. (G. Gordon, “Let the Day Perish”)*

*Жорж уй-жой савдоси билн шугулланадиган шахснинг хонасига кирди. Кўринишидан у боши кал, бўйни узун ва озгин, кенг пешанали ва истараси иссиқ қари бир чол эди.*

“*Apple of discord*” фразеологик бирлиги кўпчилик тилларда қўлланиладиган бирлик ҳисобланади. Ва бу фразеологизмнинг ўзбек тилидаги талқини “жанжал ўчоғи” деб таърифланган.

*This great and wealthy church constantly formed an apple of discord.*  
(E. Freeman, “*The History of Norman Conquest*”)

*Бу катта ва ҳашаматли масжид доимий тарзда жанжал ўчоғи сифатида хизмат қилар эди.*

“Apple” сўзи инглиз фразеологиясида ҳам мусбат, ҳам манфий маънода ишлатилган. Баъзи пайтларда инсонларнинг ёмон хислатларини намоёниш этса, бошқа пайтларда шахсларнинг яхши, кўзга кўринарли хислатларини намоёниш қилади. Бунга мисол қилиб “*The apple of one’s eye*” фразеологизмини кўрсатиш мумкин. Бу фразеологик бирлик “кўз қорачиғи, кўз қорачиғидай” иборавий маъносига қўлланилади.

*George was the apple of his father’s eye.* (W.S. Maugham, “*The Alien Corn*”)

*Отаси Жоржни кўз қорачиғидай асраб эди.*

Тилда шундай фразеологик бирликлар мавжудки, улар қадим замонларда адабиёт намоёндалари томонидан бадиий сарларда қўлланилиб, ҳозирги кунда замонавий адабиётда ҳам, оғзаки нутқда ҳам қўлланилмайди. Бундай фразеологик бирликлар архаик, яъни эскирган бирликлар қаторига қиритилади. Бунга мисол қилиб “*for sour apples*” фразеологик бирлигини кўрсатиш мумкин. Бу фразеологик бирлик ўзбек тилида “ҳеч қачон, иложсиз” маъносини англатади.

*Her? Rats! Sissy can’t drive for sour apples. Crazy a loon!* (S. Lewis, “*It Can’t Happen Here*”)

*У бизни олиб бормоқчими? Бўлмаган гап! Сисси машинани яхши ҳайдай олмайди.*

Инглиз фразеологиясида яна бир жуда кўп қўлланиладиган фразеологик бирлик бу “*The apple of Sodom*” бирлиги бўлиб, унинг ўзбек тилидаги иборавий маъноси “кўриниши билан ўзига жалб қилувчи, лекин фақат нохушликлар келтирувчи ҳолат” ҳисобланади. Бу фразеологик бирикма ҳам “for sour apples” бирикмаси каби қадимги замон адабиётларида ҳам кенг қўлланилган. Бу маъно ўзбек тилида бошқа осонроқ бирикмалар билан белгиланади ва инглиз тилидаги бирликнинг эквиваленти сифатида қўлланилмайди.

*I have eaten the apples of Sodom, my friend, but I cannot regret them too much because I can still remember the last of good fruit and of some noble wines.*

*Мен ҳаётда шундай воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлдимки, улар кўринишидан ажойиб, лекин маъно жиҳатидан жуда ҳам нохуш эди. Лекин мен бундай ҳодисалар билан тўқнашганимдан афсусланмайман, чунки мен ҳақиқий мева ва шарбатларнинг мазасини, яъни кўп дилга хуш ёқадиган воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлганман.*

Мева номларидан яна “plum” сўзи ҳам инглиз тилида фразеологик бирлик ясалишига хизмат қилган. “pick the plums out of” фразеологик бирлиги сўзлашувда ҳозирги кунда кенг қўлланиладиган фразеологизм ҳисобланади ва ўзбек тилида “ўзи учун яхшиларини танлаб олиш” деб талқин қилинади.

*Gwin... went out there as a political adventurer, determined to pull the prize plum out of the pie! What does he know about California. (I. Stone, „Immortal Wife”, book 4, ch.9.)*

*Гвин Калифорнияга ўзининг фойдасига нисбатан сиёсий бойлик орттиришига жўнади. Калифорния ҳақида у нимани ҳам билар эди?*

Мева номлари билан бир қаторда сабзавот номларининг қўлланилиши ҳам кенг омма назарига тушган. Сабзавот номлари ҳам худди мева номлари каби инсонларнинг ташқи ва ички дунёсини



таърифлашга қаратилган. Сабзаёт номларидан инглиз фразеологиясида кенг қўлланиладиган бирликлар “potato” сўзи билан ишлатилади. “Hold one’s potato” фразеологик бирлиги “асабийлашмаслик” маъносини англатади.

*Now let me beg of the gentleman to hold his potato. (“Congressional Records”, Jan.27, 1992)*

*Мен бу жанобнинг асабийлашмаслигини илтимос қилар эдим.*

“A hot potato” фразеологик бирлиги бўлса ўзбек тилида “нохуш ҳолат, ёқимсиз ишлардан тезроқ халос бўлмоқ” маъносини англатади.

*I have served the department for 35 years and have been an Ambassador for ten. I have taken my share of hardship posts, and been tossed my quota of hot potatoes. (M. West, “The Ambassador”, ch.1.)*

*Мен давлат сиёсий таъкилотларида 35 йил хизмат қилиб, улардан 10 йили давомида элчи лавозимида ишладим. Менга ҳар хил вазифалар топширилди, лекин мен ҳеч қачон бундай ишлардан халос бўлишдан ҳаёлимга ҳам келтирмасдим.*

“Not the clean potato” фразеологик бирлигининг ўзбек тилидаги талқини “шубҳали шахс, инсофсиз одам” дир.

*A suspicion he had always entertained, that Crankier was not by breeding “quite the clean potato”. (J. Galsworthy, “The Dark Flower”, part II)*

*Тарбия Кранкирни инсофга келтирмаганини ўйлаб, у доимо қайғурарди.*

Яна инглиз фразеологиясида кенг қўлланиладиган фразеологик бирлик бу “small potatoes” бирлиги бўлиб, “майда-чуйда нарсалар” маъносини англатади.

*... the girls I met in Australia and America seemed very small potatoes to me in comparison with her (B. Shaw, “Cashel Byron’s Profession” ch.IX)*

*Мен Австралия ва Америкада учратган қизлар бу қизнинг олдидан чақага ҳам арзимасди.*

Шу фразеологик бирликнинг яна бир қўлланилиш маъноси “кам миқдордаги пул” дир.

*I received \$120000 [to appeal in movie] which is no small potatoes. (DAS)*

*Кинода ўйнаган ролим учун менга 120000 доллар миқдорда пул тўлашди. Бу албатта кам пул эмас.*

Фразеологик бирликлар баъзи пайтларда фақатгина инсонларнинг ташқи ва ички кўринишини таърифлаш учун эмс, балки яна жонсиз жисмларни таърифлашга ҳам нисбатан қўлланилади. Масалан “A sweet potato” бирикмаси “ёқимли овозли мусиқий асбоб”ни англатади.

Бундан ташқари инглиз фразеологиясида ва оғзаки нутқда кенг қўлланиладиган бирикма “cucumber” сўзи билан ясалган “as cool as a cucumber” фразеологик бирлигидир. Бу бирлик ўзбек тилида “совуққон” маъносини англатади.

*This morning they were all back on their jobs, the Chinese cook and all. There they were, as cool as cucumbers; you would have thought they owned the place (S. Maugham, “Complete Short Stories”, “The Outstation”)*

*Бугун эрталаб, худди ҳеч нарса содир бўлмагандай, иш бир хилда давом этарди. Уларнинг ҳаммаси жуда ҳам совуққонлик билан муомала қилар эди. Уларнинг ҳатти-ҳаракатидан худдики бу жойларнинг ҳаммаси улар томонидан эгаллангандай эди.*

Яна бир фразеологик бирлик “cabbage” сўзи билан қўлланиладиган “my cabbage” фразеологик бирлигидир. Бу бирлик ўзбек тилига “азизим, асалим” маъносини англатади.

*This wasn't the drawing room, my cabbage, at least not in my time.*

*Азизим, бу хона, менинг вақтимда меҳмонхона бўлмаган.*

Инглиз фразеологиясида “carrot” сазвот номи билан ҳам қўлланиладиган фразеологик бирликлар мавжуд. Мисол тариқасида “dangle a carrot before somebody” фразеологик бирлигини келтириш мумкин. Бу фразеологик бирликнинг ўзбек тилидаги маъноси “бировни бирор нарсага жалб қилмоқ, ўзига қаратмоқ” дир.

*Thanks to our educators who have dangled the carrot of higher education before the noses of those who can't ever have it, there's a mistaken idea that Grammar School is everything that matters (M. Dickens, “The Heart of London”)*

*Бизнинг ўқитувчиларимиз туфайли олий таълим муассасасида таълим олишга қурби етмайдиган талабаларимиз онгига ўрта анъанавий мактабларнинг яхши томонлари очиб кўрсатилди.*

“Like a carrot to a donkey ” фразеологик бирлиги бўлса “ўзига жалб қилувчи нарса, ҳодиса” маъносини англатади.

*Flattery is to him like a carrot to a donkey. He follows the lead at once.(DEI)*

*Мақтаниш у учун ўзига жалб қилувчи қуролдир. У дарров мақтовларга берилиб кетади.*

“Onion” сазавот номи билан қўлланиладиган фразеологик бирликлардан бири “be off one’s onion” бирикмаси ҳисобланади. бу бирикма ўзбек тилига “ақлдан озмоқ” ҳолатида талқин қилинади.

*There is no doubt he did at times do rather rummy things, notably keeping eleven pet rabbits in his bedroom; and I suppose a purist might have considered him more or less off his onion. (P. Wodehouse, “The Inimitable Jeeves”)*

*Менинг тоғам галати ишлар билан шуғулланар эди. У ўз ётоғида ўн битта қуён боласини сақлар эди. Албатта, эшитган одамлар уни ақлдан озган деб ҳисоблашар эди.*

Бундай бирлик ва бирикмаларни жуда кўп мисол тариқасида келтириш мумкин.

## **Хулоса.**

Инглиз тили фразеологиясида мева ва сабзаёт номлари билан қўлланиладиган фразеологик бирликлар кўпчиликни ташкил этишини биз ўтказган тадқиқотимиз орқали билиб олдик. Мева ва сабзаёт номларининг фразеологик таҳлили уларнинг семантик майдондаги ўрнини аниқлаб берди десак, муболаға бўлмайди. Фразеологик бирликларнинг структурал тузилиши шуни кўрсатдики, улар орасида субстантив, вербал ва адъектив фразеологизмлар мавжуд ва ҳар бир фразеологик бирлик таркибида мева ва сабзаёт номи мавжуд.

Фразеологик бирликлар семантикасини ўрганиш фразеология даражасида изоморфизмларни аниқлашга оид кўплаб қўлланмаларни ўрганишга туртки бўлди.

Бу ерда асосий муаммо фразеологизмларнинг қайта ясалиши ва сўзнинг семантик ўзгаришларга дуч келишидир. Бу тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, мев ва сабзаёт компонентли фразеологик бирликлар семантик ўзгаришнинг кўплаб ҳар хил йўллари намоиш қилади. Бу ерда асосий ролни метафора ўйнайди.

Ҳамма ўрганилган фразеологик бирликлар сифат ва баҳолаш характеристикасини, инсоннинг жисмоний ва руҳий ҳолатини, инсон фаолиятидаги амалий ҳаракатларни тавсифлайди. Мева ва сабзаёт номлари қўлланилган фразеологик бирликлар асосан инсонларнинг ташқи ва ички дунёсини тасвирлаб бериш учун ишлатилди ва ҳар бир фразеологик бирликка маъносига мос равишда инглиз ва Америка адабиёти намояндаларининг асарларидан олинган мисоллар билан бойитилди. Биз бу илмий ишимизда жуда кўп мева ва сабзаёт компонентли фразеологик бирликларни таҳлил қилдик. Бу таҳлилни ўтказганимиздан кейин шу нарсага амин бўлдикки, бундай фразеологик бирликлар инглиз тили фразеологик қурилмасида катта роль ўйнайди.

Тадқиқотимизни ўтказиш жараёнида кириш қисмида олдимизга қўйилган талабни ҳар томонлама ўрганишга ҳаракат қилик. Мавзунинг долзарблигини, мақсад ва вазифаларини ҳар томонлама очиб кўрсатишга ҳаракат қилдик. Иш вазифалари эса қуйидагилардан иборат эди:

1. Инглиз тилидаги мева ва сабзавот номларининг асосий фразеологик бирликларини кўрсатиш;
2. Мева ва сабзавот номларининг семантикасини ўрганиб чиқиш;
3. Бу бирликларнинг маъносини аниқлаш.

Мақсад ва вазифаларнинг ҳар томонлама очиб таҳлил қилиниши тадқиқотимизнинг сермаҳсул чиқишиги ҳар томонлама ёрдам берди, десак муболаға бўлмайди.

Бундан ташқари асосий қисмда ҳам олдимизга қўйилган масалалар атрофлича ўрганилди ва фразеологик бирликларнинг асосий вазифалари очиб кўрсатилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мева, резаворлвр ва сабзавотларнинг номлари билан қўлланиладиган фразеологик бирликлар инглиз тилида кенг қўлланилади. Тадқиқот ўтказиш давомида биз шу нарсага амин бўлдикки, фразеологик бирликлар инглиз тилида қуйидаги асос бўйича таҳлил қилинади:

1. Фразеологик бирликларнинг сонига нисбатан бошқа тиллар билан қиёсланиши;
2. Аспектуал ва функционал мосликка нисбатан таққослаш;

Яна шу нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, ўз таркибида мева ва сабзавот номлари мавжуд фразеологик бирлик гуруҳида мосликнинг бир неча турлари кўриб чиқилди. Бу турлар мослик, бир-бирига таржима борасида мос келмайдиган, умуман эквиваленти мавжуд бўлмаган фразеологик бирликлар ва бошқалар.

3. Стилистик бўёққа эгаллиги нуқтаи назаридан;

Бу нуқти назар орқали ўрганилган фразеологик бирликларда ҳамма стилистик қатламларга мос фразеологик бирликлар мавжудлиги ҳам ўрганилди.

Бундан ташқари биз таҳлил қилган фразеологик бирликларнинг асосий қисми инсон характери, унинг ички ва ташқи дунёсини очиб таҳлил қилувчи фразеосемантик гуруҳга мансуб фразеологик бирликлардир. Ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатиб ўтдики, мева ва сабзавот номлари билан қўлланиладиган фразеологик бирликлар асосан инсонларнинг манфий ва салбий томонларини таърифлайди. Ўз таркибида мева ва сабзавот номлари мавжуд фразеологик бирликларда эмоционал-экспрессив бўёқ, ишлатилишнинг стилистик хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар тилнинг маданий хусусиятларини очиб беради ва бу бирликларда миллий бўёқ, ўрганилаётган тилнинг ёрқинлиги ва ҳис-ҳаяжони аниқ ва раво акс эттирилган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. И.А.Каримов
1. Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии. Л.: ЛГУ, 1963. – 208с.
2. Аракин В. Д. Сравнительная типология английского и русского языков. Л.: Просвещение, 1979. - 205с.
3. Арнольд И. В. Лексикология современного английского языка. – М.: Изд-во литературы на иностранных языках, 1959. – 352с.
4. Балли Ш. Французская стилистика. М., 1961. С. 10 - 11
5. Бондаренко А. В. Грамматическое значение и смысл. – Л., ЛГУ, 1978. С. 50 – 54
6. Будагов Р. А. Язык, история и современность. – М.: МГУ, 1971. – 299с.
7. Бушуй А. М. Текст как лингвистический объект. // Преподавание языка и литературы. – Ташкент, 2003. - №4. – С. 12 – 16
8. Бушуй А. М. Сущность языка как проблема общей лингвистики. Тексты лекций. – Самарканд: СамГИИЯ, 2004, - 90с.
9. Бушуй А. М. Язык и действительность. – Ташкент. Фан, 2005. – 150с.
10. Виноградов В. В. Русский язык. (Грамматическое учение о слове) 2-ое изд. – М.:ВШ, 1972, - 614с.
11. Гак В. Г. К типологии лингвистических номинаций // языковая номинация: /Общие вопросы/. – М., 1977. С. 230 – 234
12. Добровольский Д. О. Национально – культурная специфика во фразеологии // Вопросы языкознания. – 1997. - №6. – с. 37 – 48
13. Кунин А. В. Английская фразеология. – М.: ВШ, 1970. – 344с.
14. Кунин А. В. Фразеология современного английского языка. М.: Международные отношения, 1972, 287с.



15. Кунин А. В. Курс фразеологии современного английского языка. Учебник для студентов институтов и факультетов иностранных языков. – 2-ое изд., перер. / А. В. Кунин. – М.: Высшая школа, Дубна: Изд. центр «Феникс», 1996. – 381с.
16. Кухаренко В. А. Интерпретация текста / В. А. Кухаренко. – Л.: Просвещение, 1988. – 192с.
17. Ларин Б. А. Очерки по фразеологии. – Уч. зап. ЛГУ; №198. «Очерки по лексикологии, стилистики и фразеологии». Л., 1956, С. 200 – 201.
18. Ларин Б. А. История русского языка и общее языкознание. М.: Просвещение, 1977. – 224с.
19. Райхштейн А. Д. О сопоставлении фразеологических систем // Иностранные языки в школе. – 1960. - №4. –С. 8 – 15
20. Ройзензон Л. И., Авалиани Ю. Ю. современные аспекты изучения фразеологии // Проблемы фразеологии и задачи её изучения в высшей и средней школе. – Вологда, 1967. –С. 60 – 64
21. Смирницкий А. И. Лексикология английского языка. М., 1956, С. 5, 208 – 210
22. Смирницкий А. И. Синтаксис английского языка. М., 1957, С. 53
23. Соссюр Ф. Труды по языкознанию / Ф. Соссюр. – М.: Прогресс, 1977. – 695 с.
24. Степанова М. Д., Чернышева И. И. Лексикология современного немецкого языка. М.: Высшая школа, 1986. 280 с.
25. Чернышева И. И. Некоторые вопросы теории лексикона сегодня и учебный теоретический курс лексикологии. // Филологические науки. – М.. 1999. - №4. – С. 87 – 93

26. Черная А. М. Фразеосемантическое поле и фразеологический ряд // Фразеологическая система английского языка. – Челябинск: ЧГПИ, 1985. – С. 18 – 20

27. Шанский Н. М. Фразеология современного русского языка. М.: Высшая школа, 1985. 230с.

28. Юсупов А. В. Английская фразеология. – М.: ВШ, 1970. – 344с.

### **Луғатлар:**

1. Большой англо - русский словарь. Под общим руководством И. Р. Гальперина. М.: СЭ. 1972. 1 – 822с., 2 – 863с.

2. Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. / О.С. Ахманова. 2 – ое изд. – М., 1969. – 607с.

3. АРФС. – Кунин А. В. Англо – русский фразеологический словарь. – М.: Русский язык, 1984. – 944с.

4. Collins V. H. Third Book of English Idioms. / V. H. Collins. – London: Longman, 1960. – 205p.

5. Oxford Dictionary of Current English. – Oxford: University Press, 4<sup>th</sup> edition, 2006. – 1081p.